

АННОТАЦИЯ — кискача таъриф. Китоб, макола, кўлёзма мундарижасини, мавзу йўналиши ва бошка жихатларини очиб беришга каратилган кичик хажмли матн. Аннотацияни китобнинг ўзида, библиографик кўрсаткичларда ва кутубхона катологларида учратиш мумкин. Унинг вазифаси ўкувчиларда муайян китоб, макола ёки кўлёзма тўгрисида умумий тасаввур тугдириш ва уларга адабиёт танлашда ёрдам кўрсатишдир. Масалан, Алишер Навоийнинг 1991 йилда чоп этилган «Садди Искандарий» достонига нашриёт томонидан шундай аннотация берилган:

«Хамса»нинг якунловчи достони «Садди Искандарий» хам маълум анъаналар заминида яратилган. Алишер Навоий Искандарнинг (Александр Македонский) саргузаштлари фонида адолатпарварлик, марказлашган давлат тузиш, халклар дўстлиги, инсонийлик борасидаги ўзининг карашларини талкин этган. Достон насрый матни билан бирга чоп этилаёттир.»